

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

АРТИҚОВ АСҚАР АКБАРОВИЧ

МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРДА ТЕХНИК УСУЛЛАРНИНГ
МАҚСАДЛИ АНИҚЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2018 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Артиқов Асқар Акбарович

Малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини
такомиллаштириш методикаси.....3

Артыков Аскар Акбарович

Методика совершенствования целевой точности технических приемов
квалифицированных футболистов.....27

Artikov Askar Akbarovich

Methods to improve the target accuracy of technical techniques of skilled
players.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

АРТИҚОВ АСКАР АКБАРОВИЧ

МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРДА ТЕХНИК УСУЛЛАРНИНГ
МАҚСАДЛИ АНИҚЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.3. PhD/Ped289 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uz-djti.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдиев Абдулла Носирович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ханкельдиев Шер Хакимович педагогика фанлари доктори, профессор
	Акрамов Жасур Анварович педагогика фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped. 28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” “_____” соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ кун тарқатилган.
[2018 йил “___” _____ да__ рақамли реестр баённомаси]

Р.Д.Халмухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

С.С.Тажигаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, п.ф.б.ф.д., доцент

Б.Б.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Футбол - сайёрамиз аҳолисининг кўпчилиги учун энг оммавий ва қизиқарли ўйин ҳисобланади. Ҳар бир инсон бу спорт тури билан амалий шуғулланиши мумкин. Футбол ўйинида барча инсонлар бошқа спорт турига нисбатан жисмоний ва психологик имкониятларни намоён эта олади. Ўйин соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам беради, жисмоний сифатларни, инсоннинг психологик ҳолатини кўрсатишга, жамоавий руҳият ва ўзаро боғлиқликни тарбиялайди. Футболчиларнинг юқори маҳорат орқали ҳаракатлана олиши тамошабинларга эстетик завқ улашади. Ўйиндаги техник усулларни аниқ бажаришлари, тамошабинларнинг кўп ҳолларда завқланишига сабабчи бўлиши ҳам ўйинчининг қобилияти ва тинимсиз олиб бориладиган ўқув-машғулотларга боғлиқ бўлади.

Жаҳон спортида муваффақиятга эришиш истаги замонавий талабларга жавоб берадиган ва натижаларнинг жадаллик билан ўсишига хизмат қиладиган янги-янги восита ва усулларни, ўқув-машғулот жараёнининг самарали шакллари излашга ундайди. Хорижий адабиётларда ҳаракат фаолиятларининг аниқлигини такомиллаштириш, футболчиларнинг техник-тактик ҳаракатлар аниқлигини ошириш бўйича маълумотлар келтирилган. Аммо, футболчиларда техник усулларининг мақсадли аниқлигини оширишда машқларни юқори шиддатда олиб борлиши бўйича маълумотлар берилмаган.

Республикамизда истеъдодли ва салоҳиятли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт заҳирасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади¹. Алоҳида тадқиқотчилар мусобақа шароитида ўйин фаолиятининг самарали олиб борилиши тўғрисида ўрганишган. Тадқиқотчилар ўз ишларида Ўзбекистон футболчиларининг техник-тактик ҳаракатларини бажаришдаги аниқлик даражасини таҳлилий баҳолашган. Бироқ, техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришда турли шиддат чегараларидан фойдаланишга оид илмий ишлар олиб борилмаган. Ўзбекистонлик футболчиларнинг мусобақа фаолиятини ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш натижалари уларда ўйин ҳаракатларида мақсадли аниқлик даражаси юқори эмаслигини кўрсатади. Бунинг сабабларидан бири ўқув-машғулотларда техник усулларни бажариш шарт-шароитларининг замонавий ўйин талабларига мос келмаслиги ҳисобланади. Ўқув-машғулотларда бажариладиган машқлар шиддатининг пастлиги, бу машқлар футболчи организмнинг ҳолатига мувофиқ эмаслиги ўйин жараёнида техник усулларни бажариш чоғида мақсадли аниқликни таъминлашга ҳалақит беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сонли Қарори.

тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва кўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар учун жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 июндаги 158-сонли “Ўзбекистонда футболнинг ривожланишини кўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида”ги қарорида футбол клублари, Ўзбекистон футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июлидаги 214-сонли “Ўзбекистон Республикасида мураббийлик фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мураббийлик фаолияти билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-руҳий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чуқурлаштирилган ихтисослашув ва спорт такомиллашуви босқичларида футболчиларни техник тайёрлаш муаммоси ҳар доим долзарблигини сақлаб қолади. Мазкур муаммони ўрганиш юзасидан қатор илмий тақиқотлар амалга оширилган (В.М.Зациорский, П.Н.Казаков, Г.А.Смирнов; Ю.С. Седов)².

Кўпгина муаллифларнинг тадқиқот ишларида юқори малакали футболчиларни шакллантириш ўсмирлар футболининг ривожланиш даражасига чамбарчас боғлиқ эканлиги таъкидланади. Уларда футбол техникаси – тўпга зарба бериш, тўпни тўхтатиш, тўпни олиб юриш, алдаб ўтишга ўргатиш услубиятлари келтирилади (А.А.Смирнов; А.А.Сучилин; В.П.Кураж; Б.Г. Чирва)³.

Айрим манбаларда ўқув-машғулотлар ва мусобақаларда дарвозага зарба бериш аниқлигини белгилайдиган омиллар аниқланган, футболчиларнинг техник маҳоратини назорат қилишнинг назарий асослари ва услубияти ишлаб чиқилган (С.В.Голомазов, Б.Г.Чирва)⁴.

Спорт ўйинларида аниқлик ҳаракат фаолиятини такомиллаштиришга

²Зациорский В. М., Казаков П. Н., Смирнов Г. А. Факторы, влияющие на точность ударов футболистов // Теория и практика физической культуры. 1975. № 5. С. 5-20.; Седов Ю.С. Исследование методов совершенствования точности пространственной и силовой дифференцировок в сложных действиях футболистов: Автореф. дис. . канд. пед. наук. ГДОИФК им. П.Ф. Лесгафта. Л., 1968. - 18 с.

³Смирнов А.А. Техническая подготовка юных футболистов на основе направленного развития функции вестибулярного анализатора: Автореф. дис. ... канд. пед. наук / ГДОИФК им. П.Ф. Лесгафта. - Л., 1988. - 22 с.; Сучилин А.А. Теоретико-методологические основы подготовки резерва профессионального футбола: дис. ... докт. пед. наук. ВГИФК. - Волгоград, 1997. - 77 с.; Кураж В.П. Формирование у школьников техники игры в футбол на основе развития целевой точности движений: Автореф. дис ... канд. пед. наук. ВНИИФК. - М., 2006. - 19 с.; Чирва Б Г Построение технической подготовки юных футболистов с учетом сенситивных периодов становления технического мастерства // Теория и практика физической культуры. - 2007 -№4 - С . 16-17.

⁴Теоретические основы и методика контроля технического мастерства. Голомазов С.В., Чирва Б.Г. «ТВТ Дивизион» 2006 г.

қаратилган саволлар ҳам турли йўналишларда етарлича ўрганиб чиқилган (А.Н.Вицько, Ж.Л.Козина, В.А.Воробьева, И.В.Яренчук, Т.А.Белохвостова; А.Я.Гомельский; А.В.Закамский, М.М.Полевщиков, В.В.Роженцов; А.А.Пулатов, Ш.А.Пулатов)⁵.

Футболда техник усулларнинг аниқлигини оширишга қаратилган саволлар ҳам етарлича яхши ўрганилган (Г.А.Рымашевский; Б.И.Безъязычный; С.В.Голомазов, Б.Г.Чирва; С.В.Радионов, Ф.И.Собянин)⁶.

Бироқ ҳозирги кунга қадар техник усулларнинг мақсадли аниқлигини таъминловчи омилларни, хусусан, ўқув-машғулотдаги машқлар юкламаси шиддатини, футболчи организми ҳолатини, ўқув-машғулотда техник усулларни бажариш шарт-шароитларининг ўйин талабларига мос келмаслигини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга тааллуқли бўлган масалалар етарли даражада илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Илмий-услубий ва махсус адабиётларни таҳлил қилиш тадқиқот муаммосини белгилаш имконини берди. Қўйилган муаммо юқори малакали футболчиларнинг техник усуллари мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш ва жорий қилишдан иборат. Бу футболчиларнинг техник-тактик маҳоратини ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари истиқболли режасининг “Ўзбекистон терма жамоаларининг юқори малакали спортчиларининг тайёргарлик тизимини такомиллаштириш” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Турли даражадаги ўйинларда малакали футболчиларнинг техник усулларида мақсадли аниқликни бажарилиш самарадорлигини аниқлаш;

⁵ Вицько А.Н., Козина Ж.Л., Воробьева В.А., Яренчук И.В., Белохвостова Т.А. Взаимосвязь точности бросков с психофизиологическими показателями баскетболистов студенческих команд// Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. – 2007. – №11. – С.21–25.; Гомельский А.Я. Энциклопедия баскетбола от Гомельского. М.: Гранд-фаир, 2002. - 340 с.; Закамский А.В., Полевщиков М.М., Роженцов В.В. Оценка точности двигательных действий спортсмена игровых видов спорта // Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта. – 2012. – № 3 (85). – С. 86–90., Пулатов А.А., Пулатов Ш.А. Эффективность совершенствования двигательных функций у юных теннисистов с использованием специальных направленных упражнений// Известия Тульского государственного университета. Физическая культура. Спорт. – 2014. – №2. – С.149–158.

⁶ Рымашевский Г.А. Экспериментальное обоснование некоторых путей повышения надежности выполнения технико-тактических действий футболистами высокой квалификации: автореф. дис. . канд. пед. наук / Рымашевский Геннадий Михайлович; ВНИИФК. М., 1978. - 22 с.; Безъязычный Б.И. Формирование ударных движений по показателям целевой точности у юных спортсменов 12-16 лет (на примере футбола): автореф. дис. . канд. пед. наук / Безъязычный Борис Иванович; ГПИ им. Г.С. Сковороды. Харьков, 1991.-23 с.; Голомазов С. В., Чирва Б. Г. Футбол. Теоретические основы совершенствования точности действий с мячом. — М.: Спорт Академ Пресс, 2001.-100 с.; Радионов С.В., Собянин Ф.И. Методика оценки результативности ударов по воротам в футболе. Социально-экономические явления и процессы. Т.9.№8. 2014. – С. 136-141.

Футбол ўйинида техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришга йўналтирилган техник усулларнинг бажарилиш йўллари баҳолаш;

Техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус машқлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш ва ўқув-машғулотларда уларни бажариш шарт-шароитларининг мусобақа ўйинлари талабларига мослигини аниқлаш;

Футболчиларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш ва тадқиқотда асослаш.

Тадқиқотнинг объекти малакали футболчиларнинг ўқув-машғулот жараёни.

Тадқиқотнинг предмети малакали футболчилар техник усулларининг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришда юқори шиддатдаги машқлардан фойдаланиш.

Тадқиқот усуллари. Илмий-услубий адабиётларни таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик назорат, педагогик тестлаш, пульсометрия (Polar), интервалокардиография, педагогик тажриба, математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

малакали футболчиларнинг машғулотлари жараёнида техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш бўйича ихтисослаштирилган машқлар ҳажми аниқланган;

техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришга йўналтирилган ихтисослаштирилган машқлардан фойдаланиш ҳамда уларни машғулотлар жараёнида бажариш шароитларини мусобақа ўйин талабларига мувофиқлаштириш самарадорлиги аниқланган;

футболчилар техник усулларининг мақсадли аниқлиги турли даражадаги ўйинларда аниқланган;

юқори малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикаси ишлаб чиқилган ва асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш бўйича ихтисослаштирилган машқлар дастурлари асослаб берилган;

футболчиларни тайёрлашда уларнинг организми ҳолати ҳамда машғулот юкламаси шиддатининг физиологик чегараларини ҳисобга олган ҳолда техник усуллар мақсадли аниқлигини такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

юқори малакали футболчилар техник усулларининг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикаси самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси услубияти (диалектик билиш услуби) ҳамда мамлакатимиз ва чет эл олимларнинг, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт назарияси амалиёти соҳасида хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг илмий қарашлари билан асосланганлиги, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган, тадқиқотнинг вазифаларига мос келадиган тадқиқот усулларининг

қўлланилганлиги, тадқиқ қилинадиган контингент ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тадқиқот ишлари ва синовларнинг ошқоралиги, педагогик тадқиқот давомийлиги, тадқиқот натижаларига ишлов беришда математик-статистик услубларнинг қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тақдим этилган методика юқори малакали футболчиларнинг техник усулларни мақсадли аниқлигига эришиш механизмлари тўғрисидаги базавий назарий билимларни тўлдиради. Мазкур қобилиятни тарбиялашга янгича ёндашувларни яратишда методологик пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Диссертация натижалари майдон ўйинчиси техникасининг хилма-хиллигини ва тўғри бажаришни назорат қилишга, машқнинг жисмоний юкламаси шиддати ва футболчи организмнинг ҳолатини ҳисобга олишга асосланиб ишлаб чиқилган методика машғулот жараёнида техник усулларни бажариш шароитларини мусобақа ўйини талабларига мувофиқлаш имконини берди. Шунингдек, кўп йиллик машғулотлар жараёнида футболчиларни тайёрлашнинг амалий вазифаларини ҳал этишда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикаси бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

“Локомотив” жамоасининг тайёргарлик жараёнларига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 01-07-08-577-сон маълумотномаси). Натижада “тўпни олиб қўйиш” техник усулининг аниқлиги 18,2% га; ўйин жараёнидаги “эгаллаб олиш” техник усули 26,6% га; “ҳаводаги яккакурашлар” 27,9%; дарвозага зарба бериш усулида эса 25,7% га ўсган.

“Бунёдкор” ёшлар жамоасининг ўқув-машғулотлари жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 01-07-08-577-сон маълумотномаси). Натижада ўйин усулларининг аниқлиги 72,3% га, аниқ тўп узатишлар 24,5% га, жарима майдони ташқарисидан дарвозага зарба беришда 27,9% га яхшиланишига хизмат қилган;

“Пахтакор” ёшлар жамоасининг тайёргарлигига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 01-07-08-577-сон маълумотномаси). Натижада юқори тезликда тўпни аниқ узатиш усули 7,3% га, юқори тезликда ҳаракатланаётган шеригига аниқ тўп узатиш эса 14,6% га, юқори тезликда ҳаракатланаётиб худди шундай тезликда ҳаракатланаётган шеригига тўпни узатиш 10,4% га ошган;

Ўзбекистон “U-23” терма жамоаси ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 01-07-08-577-сон маълумотномаси). Натижада “конструкциялайдиган” аниқ узатмалар 15,9% га, “босиб ўтадиган” узатмалар 19,6% га, “ўткир” узатмалар 12,9% га, “тўпни эгаллаб олиш” 26,7% га ва дарвозага “зарбалар” 20,4% га ўсишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг мавзусига оид бўлган 30 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишида кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этиб 16 та жадвал, 10 расм, иловалар ва жорий этиш далолатномаларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; муаммонинг ўрганганлик даражаси баён этилган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; ишнинг фан ва методикаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш муаммосининг илмий ва илмий-услубий адабиётларда ёритилганлиги”** деб номланган биринчи бобида ҳаракатларнинг аниқлиги ва техник усулларнинг “мақсадли аниқлиги” тушунчаси ва унинг назарий асослари, спорт ўйинларида ҳаракатларнинг аниқлигини белгилайдиган омиллар, спортда ахборот технологияларидан фойдаланиш юзасидан маълумотлар келтирилган.

Футболчиларни замонавий профессионал техник-тактик тайёрлаш жараёнида муҳим ҳисобланадиган, бироқ етарлича чуқур ишлаб чиқилмаган қатор ҳолатлар мавжуд. Булар қуйидагилардир:

- футбол ўйини қонуниятларини ва ўйин натижаси ҳужумларнинг яқунловчи босқичида футболчилар томонидан техник усулларни максимал тезликда бажаришни уддалай олишига боғлиқлигини ўрганиш;

- мусобақа ўйинларида майдоннинг турли чегараларида футболчилар томонидан техник усулларни бажариш самарадорлигини таҳлил қилиш;

- техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус машқлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ўқув-машғулотларда уларни бажариш шарт-шароитларининг мусобақа ўйинлари талабларига мослигини ўрганиш;

- малакали футболчилар техник усулларининг янги бирикмаларини ўзлаштириш ва уларнинг техник тайёргарлик заҳирасини кенгайтириш услубиятларини ишлаб чиқиш;

- техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикасини энг янги инструментал услубиятлардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқиш;

- футболчилар техник усулларининг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикасини улар организмнинг ҳолатини (толиқиш даражасини) ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

Юқори малакали футболчиларни техник тайёрлаш услубиятини такомиллаштиришнинг юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолари мазкур тадқиқот долзарблигини белгилаб беради.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва ташкил этилиши”** деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик назорат, хусусан, футболчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини статистик таҳлил қилиш, техник тайёргарлик даражасини педагогик тестлаш, юрак қисқаришлари суръатига кўра машқнинг шиддатлилик чегараси ва жисмоний юклама катталигини аниқлашга кўмаклашувчи пульсометрия, организмнинг юрак-қон томир, вегетатив ва нафас олиш тизимлари ҳолатини баҳолашга имкон берувчи интервалокардиография, педагогик тажриба, математик-статистик усуллар ҳамда тадқиқотни ташкил қилиниши келтирилган.

Диссертациянинг **“Малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришни назорат қилиш”** деб номланган учинчи бобида мутахассисларнинг тўпни узатишлар ва дарвозага зарбаларнинг аниқлигини такомиллаштириш тўғрисидаги фикрлари, турли даражадаги ўйинларда юқори малакали футболчилар томонидан техник усулларни бажаришда мақсадли аниқлик таҳлили, футболда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш бўйича ихтисослаштирилган воситалар таҳлили, футболчиларнинг техник усулларида мақсадли аниқлигининг ўқув машқини бажариш шиддатига боғлиқлиги таҳлили келтирилган

Тадқиқ қилиш услубларидан бири анкета сўровномаси бўлиб, унда 40 нафар мураббий ва футбол мутахассислари иштирок этган. Шундан 18 нафари ОФК томонидан берилган “ПРО” лицензиясига, 20 нафари “А” лицензияга ва 2 нафари “В” лицензияга эга бўлган.

Анкета сўровномаси маълумотларига кўра, 77,5% мутахассислар футболчиларда “тўпни узатиш” ва “дарвозага зарба бериш” аниқлиги етарлича даражада яхши эмас деб ҳисоблайди. 70% мутахассислар техник усулларда аниқликни оширишга йўналтирилган машғулотларни ўйин шароитларига яқин бўлган шароитларда ўтказиш зарур деб ҳисоблайди. Мутахассисларнинг 87,5%и машқлар ва уларнинг усулларини бажариш аниқлигини кўриқдан ўтказишни, аниқликка оид машқларни бажаришда шарт-шароитларни (тезлик, масофа, тўпнинг учиш траекторияси, куч, ўқув машқларининг шиддати) ҳисобга олишни тавсия қилади.

Анкета сўровномасининг натижалари кўрсатишича, 82,5% мутахассислар техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш

методикасини ишлаб чиқиш ва уни юқори малакали футболчиларни тайёрлаш жараёнига жорий қилиш зарурлигини таъкидлаган.

Илмий-услубий ва махсус адабиётларни таҳлил қилиш тадқиқот муаммосини белгилаш имконини берган, у юқори малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикасини ҳамда футболчиларнинг техник тайёргарлик даражасини ошириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Техник усулларнинг мақсадли аниқлиги самарадорлигини баҳолаш учун 2014 йилдаги Жаҳон чемпионати ўйинлари, Ўзбекистон терма жамоасининг 2018 йилдаги Жаҳон чемпионати саралаш босқичидаги ўйинлари, ОФК чемпионлар лигасидаги ўйинлар ва 2016-2017 йиллардаги мамлакат чемпионатидаги ўйинлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон чемпионатида, чемпионлар лигаси ва ОФК Кубоги ўйинларида усул ҳамда аниқлик даражаларини таққослаш учун футболчиларнинг ўйин фаолиятлари жараёнида кўп “тўп узатишлар” га эътибор қаратилади (1-жадвал).

ОФК Кубогидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари томонидан тўпни ошириб бериш ҳаракатлари таҳлиliga кўра, уларнинг аниқлик даражаси тўпни ошириб беришдаги масофа ва йўналишига қараб ўзгариши қайд этилди. Тўпни “орқага ва ёнга” ошириб беришдаги аниқлик 94.4%; “олдинга” қисқа ва ўрта масофага тўп ошириб беришда 88.1%; “олдинга” узоқ масофага 58.1% ҳамда “ўткир” тўп узатишда 17.2% ташкил этди.

1-жадвал

Турли даражадаги ўйинларда Ўзбекистон жамоалари томонидан амалга оширилган тўп узатишлар аниқлиги (%)

№	Мусобақа даражалари	Тўп узатишлар аниқлиги			
		Орқага ва ёнга	Олдинга (қисқа ва ўрта)	Олдинга (узоқ масофага)	Ўткир узатмалар
1	ОФК Кубоги	94,4	88,1	58,1	17,2
2	ОФК чемпионлар лигаси	93,8	66,3	13,9	16,7
3	Ўзбекистон чемпионати	94,5	67	31	21,3

Ўйин давомида кам фойдаланилган “ўткир” тўп узатишдаги ҳаракатларда терма жамоа футболчиларининг техник маҳорати етарли эмаслиги аниқланди.


ОФК чемпионлар лигасидаги ўйинларда тўпни узатиб беришдаги аниқлик қуйидагича: “орқага ва ёнга” 93,8%; “олдинга” қисқа ва ўрта масофага 66,3%; “олдинга” узоқ масофага 13,9% ва “ўткир” тўп узатиш 16,7%.

Ўзбекистон чемпионати ўйинларида аниқ тўп узатишлар самарадорлиги қуйидагича: 94,8% “орқага ва ёнга”; 67% қисқа ва ўрта масофаларга “олдинга”; 31% узоқ масофаларга “олдинга” ва 21,3% “ўткир” узатмалар ташкил этган.

Ўйиннинг турли ўйин оралиқларида бажарилган техник-тактик

усулларда мақсадли аниқлик даражаси таҳлили (1-расм).

ТТХ сони



1-расм. Ўзбекистон терма жамоаси ўйинчилари томонидан ўйиннинг турли оралиқларида бажарилган ўйин ҳаракатлари сони ва аниқлиги (\bar{X} ўртача)

Изоҳ: ТТХ – техник-тактик ҳаракатлар.

Ўзбекистон терма жамоаси футболчиларининг ўйин фаоллиги тайм охирига бориб пасайиб борувчи эгри чизик кўринишини олган. Ўйиннинг дастлабки 15 дақиқасида футболчилар ўртача 149,6 та техник-тактик ҳаракатларни (ТТХ) бажарган (уларнинг умумий сонидан 18,6%), бунда аниқлик 59,1% ни ташкил қилган. 16-дақиқадан 30-дақиқагача бўлган ўйин давомида футболчилар 142,5 та ТТХ ни бажарган (17,7%), бунда аниқлик 55,4%. 31-дақиқадан 45-дақиқагача бўлган оралиқда футболчилар 112,6 та ТТХ ни бажарган (14%), бунда аниқлик 53,7% бўлган. Маълумотлар ТТХ ҳажми таймнинг охирига бориб камайганлигидан, аниқ ҳаракатлар сони ҳам пасайганидан далолат беради. Иккинчи таймда ҳам худди шундай ҳолат қайд қилинган.

Тайм охирига бориб ТТХ ҳажми ва техник усуллар аниқлигининг пасайиши футболчиларда техник маҳорат ва функционал тайёргарлик даражаси етарлича эмаслигидан далолат беради. Мусобақалар савиясининг кўтарилиши билан ўйиндаги ҳаракатларнинг шиддати юқорилиги, техник ҳаракатлардаги аниқлик даражаси эса пастлиги аниқланди.

Мусобақа даврининг ўқув-машғулотида “оёқ кафтининг ички томони билан” бажарилган узатишларнинг умумий ҳажми энг катта бўлганлиги аниқланди – 65,8%. Улардан 52,6% узатмалар – “қисқа масофалар”га, 13,2% узатмалар – “ўртача масофалар”га бажарилган. Тўпни “оёқ юзасининг ички томони билан” узатишлар 15,7% ни ташкил қилган, улардан 2,2% узатмалар – “қисқа масофалар”га, 6,3% узатмалар – “ўртача масофалар”га ва 7,2% узатмалар “узоқ масофалар”га бажарилган. Оёқ юзининг ўрта қисми билан 13,5% узатмалар амалга оширилган, шулардан 1,1% узатмалар – “қисқа масофалар”га, 4,1% узатмалар – “ўртача масофалар”га ва 8,3% узатмалар – “узоқ масофалар” га бажарилган. “Оёқ кафтининг ташқи томони билан” узатишлар 1,7% ни ташкил қилган, шулардан “қисқа масофалар”га – 1,2%,

“ўртача масофалар”га – 0,5% узатмалар амалга оширилган. Футболчилар томонидан оёқ билан бажарилган барча техник усуллардан энг кам ҳаракатлар сони тўпни “оёқнинг учи билан” узатишга тўғри келган – 0,7%. Улардан “қисқа масофалар”га узатишлар – 0,3% ни, “ўртача масофалар” га узатишлар – 0,4% ни ташкил қилди.

Дарвоза томонга “зарба бериш”ни таҳлил қилиш натижаларига кўра, бунда энг катта фоиз ҳажмини тўп қанотдан узатилгандан кейин бажарилган зарбалар – 27,7% ва узоқ масофадан берилган зарбалар – 23,1% ташкил қилди. Стандарт вазиятлар – жарима зарбалари ва эркин зарбалар бажарилгандан кейин бериладиган зарбаларга 11,1% ва бурчак зарбаси амалга оширишдан кейин бериладиган зарбаларга 13,3% вақт ажратилган.

Тўп жарима майдонида диагональ тарзда узатилгандан кейин дарвозага зарба бериш орқали ўйналган комбинациялар 9,6% вақтни банд қилган. Тўп ҳимоячилар орасидан “ўткир” узатилгандан кейин дарвозага зарба бериш орқали ўйналган комбинациялар 3,8%, “девор” услубида ўйнагандан кейин дарвозага зарба бериш орқали ўйналган комбинациялар – 2,8% ва югуриб очилаётган ўйинчига тўп узатиб беришдан кейин дарвозага зарба бериш билан ўйналган комбинациялар – 2,7% вақтни банд қилган.

Рақибни алдаб ўтгандан кейин зарба беришларга ҳам ҳудди шунча вақт ажратилган – 2,7%. Энг кам вақт жарима майдонида ёнга узатмадан кейин зарба беришни такомиллаштиришга – 1,8% ва тўпни ён чизикдан ташлаб берилгандан кейинги комбинацияларни ўйнашга – 1,4% ажратилган. Жарима майдони чегаралари ташқарисидан зарба бериш билан ўйналадиган комбинацияларни такомиллаштиришга кетган умумий вақт ҳажми 24,8% ни ташкил қилган.

Ўқув-машғулотларда аниқликни такомиллаштириш бўйича машқларни бажариш шарт-шароитлари ва уларнинг мусобақа ўйинлари талабларига мослигини таҳлил қилиш иккита асосий ҳолат бўйича ўтказилган:

- ўйинчиларнинг тўп билан ҳаракатларни бажариш пайтидаги иш қобилиятининг ҳолати бўйича;
- футболчилар томонидан техник усулларнинг бажарилиш шиддати бўйича.

Барча махсус машқлар 2 та тоифага ажратилган:

- стандарт машқлар, уларда оддий вазифа – техник усулларни бажариш (тўпни ўзига қулай тарзда қабул қилиш ва узатиш, қаршилик йўқ, тезлик унчалик юқори эмас, футболчилар сони кам) қўйилган;

- вазиятли машқлар, уларда тактик вазифани ечишнинг бир нечта вариантлари мавжуд бўлган (бир машқда тўп узатишни бажаришнинг турли-туман усуллари, фаол қаршилик, оширилган тезлик, футболчилар сони кўп).

Аниқлик ҳамда техник усул қайси шиддат чегарасида бажарилганлиги қайд қилинган. Машқлар стандарт шарт-шароитларда ўтказилганда 120-140 зарба/дақ. юрак қисқаришлари сонининг шиддат чегарасида бажаришдаги узатишлар ҳажми 75% ни ташкил қилган, улардан 58,1% и аниқ бўлган. 141-160 зарба/дақ. шиддат чегарасида узатишлар ҳажми 13,2% ни ташкил этган

бўлса, улардан 21,3% и аниқ бўлган, 161-180 зарба/дақ. шиддат чегарасида ҳажм 9,4% га тенг бўлган, аниқлик 11,3% ни ташкил этди; 180 зарба/дақ.дан юқори шиддат чегарасида ҳажм 2,4% га тенг бўлган, аниқлик эса 9,1% ни ташкил қилган.

Тўпни узатиш зарур бўлган масофа ҳамда футболчиларнинг кўчиш шиддати ортиши билан мақсадли аниқлик пасайиши кузатилган.

2-жадвалда вазиятли машқларда футболчилар техник усулларининг мақсадли аниқлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

“6x6” ўйин машқларини бажаришда 130-140 зарба/дақ. юрак қисқаришлари сонидан техник усулларнинг аниқлиги 63,2% ни ташкил қилди, 160 зарба/дақ.дан юқори юрак қисқаришлари сонидан эса – 49,3% ни ташкил қилди.

3 та ҳудудда “9x9” ўйин машқларида 130-140 зарба/дақ. юрак қисқаришлари сонидан техник усуллар аниқлиги 73,3% ни ташкил қилди. 160 зарба/дақ.дан юқори юрак қисқаришлари сонидан эса – 46,2% ни ташкил қилган.

Агар техник усуллар паст шиддат ва оддий вазиятларда бажарилган бўлса, уларнинг аниқлиги даражаси юқори бўлади.

2-жадвал

Турли шиддатли ўйин машқларида техник усулларнинг аниқлик кўрсаткичлари

№	Машқ	Юрак қисқаришлари сонининг ҳар хил чегараларида техник усуллар аниқлиги (%)			
		120-140 зарба/дақ.	141-150 зарба/дақ.	151-160 зарба/дақ.	160 зарба/дақ.дан юқори
1	Ҳаракат пайтида тўпни 10 м.га узатиш	73,3	68,2	56,6	51,1
2	Ҳаракат пайтида тўпни 30 м.га узатиш	71,4	64,1	48,4	28,5
3	Тўпни олиб юргандан кейин 16,5 м.дан дарвозага зарба бериш	72,3	60,4	55,3	33,1
4	6x6 ўйин	63,2	57,3	51,2	49,3
5	Квадрат 4x2	85,4	71,1	66,2	42,3
6	3 та ҳудудда 9x9 ўйин	73,3	68,1	55,6	46,2

“Узатиш”ларни бажариш аниқлигида ижобий ўзгаришлар организмга физиологик таъсир кўрсатиш нуктаи-назаридан ўйинчилар учун одатий бўлган шарт-шароитларга тушган ҳоллардагина қайд қилинган.


Ўқув-машғулотда ўйин машқлари асосан 120-160 зарба/дақ. юрак қисқаришлари сони чегарасида бажарилган. Бу уларнинг шиддати юқори бўлмаганлигидан далолат беради. 160 зарба/дақ.дан юқори юрак қисқаришлари сони чегарасида – футболда уни “ўйин олиб бориш” деб ҳисоблашни қабул қилинган ва унинг кўрсаткичлари бўйича машғулот юкламасининг катталиги тўғрисида фикр юритиш мумкин – машқлар

шиддати 9% дан 48% гача бўлган кенг ораликда ўзгарган.

Бунда ўйин ҳаракатларини бажариш аниқлиги қуйидагича бўлган: тўпни қисқа масофаларга узатишда – 91,7%; узоқ масофаларга узатишда – 79%; алдаб ўтишда – 83,4%; тўпни олиб қўйишда – 75%; эгаллаб олиш учун ўйнашда – 77,8%. Мазкур кўрсаткичлар ўйин ҳаракатларини бажариш аниқлигининг даражаси яхши эканлигидан далолат беради. Бироқ, ҳаракат қайси шиддат чегарасида бўлиб ўтаётганлигини кўриб чиқсак, у ҳолда қуйидаги фактни қайд қилиш мумкин (2-расм).

Футболчилар ўқув-машғулотда техник усуллар қуйидаги шиддат чегараларда бажарилган: 120-140 зарба/дақ. – умумий вақт ҳажмидан 35%; 141-160 зарба/дақ. – 29%; 161 зарба/дақ.дан юқори – 22%.

Назорат ўйинида техник усуллар қуйидаги шиддат чегараларда бажарилган: 120 -140 зарба/дақ. – умумий вақт ҳажмидан 5%; 141-160 зарба/дақ. – 15%; 160 зарба/дақ.дан юқори – 67%.



2-расм. Футболчиларнинг турли шиддат чегараларида юрак қисқаришлари сонининг кўрсаткичлари

Ўқув-машғулот ва назорат ўйинида юрак қисқаришлари сонининг турли шиддат чегараларида бажарилган солиштирма таҳлилидан (2-расм) ўқув-машғулотларда техник усулларни бажариш аниқлигини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус машқлар шиддати ўйин шиддатига мос келмаслигини кўриш мумкин. Футболчилар ўқув-машғулотларида техник усулларнинг мақсадли аниқлигини физиологик мезон бўйича ўйин вазиятига унчалик яқин келмайдиган шарт-шароитларда такомиллаштирадилар, шу сабабли аксарият машқлар самарадорлиги паст бўлади. Бундан ташқари, мураббийлар мақсадли аниқликни такомиллаштириш бўйича машғулотларни режалаштиришда футболчилар организми ҳолатини (олдинги машғулот юкламасидан кейинги толиқиш даражасини) ҳисобга олмайдилар. Шу сабабли ўйинларда техник усулларни бажариш аниқлиги юқори бўлмайди.

Диссертациянинг **“Малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикаси”** деб номланган тўртинчи бобида назорат ва тажриба гуруҳ футболчиларининг тест машқлари ва мусобақа ўйинларидаги техник усулларнинг мақсадли аниқлиги таҳлили, малакали футболчиларда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини

такомиллаштириш методикаси, педагогик тадқиқот натижаларининг муҳокамаси юзасидан олинган маълумотлар келтирилган.

Футболда техник усулларни мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикасининг услубий асослари қуйидагилардан иборат:

- мусобақа ва ўқув-машғулот фаолияти жараёнига видеотасвирга олиш услубини жорий қилиш, бу майдондаги ўйинчи техникасининг хилма-хиллиги ва ишончлилигини намоён қилиши, ўйинчи ҳужум қилаётганда ва ҳимояланаётганда индивидуал техник усулларни қай даражада бажариши тўғрисидаги тасаввурни шакллантиради, ўйин вазияти ва рақиб ҳаракатларига боғлиқ равишда ўз ҳаракатларини тўғри бажариш асосида ҳаракатларни самарали бошқаришга кўмаклашади;

- ўқув-машғулотлари жараёнига футболчилар организмнинг функционал ҳолатини баҳолаш услубиятини жорий қилиш. Бундай баҳолаш натижалари бўйича ўқув-машғулотларда бажарилган машқларнинг шиддат чегараси белгиланади ва техник усулларни такомиллаштиришнинг самарадорлиги қуйидагига боғлиқ бўлди;

- техник усулларни бажаришда шиддат чегарасини баҳолайдиган ва машқнинг жисмоний юклама ихтисослашганлигини ҳисобга оладиган услубиятни жорий қилиш;

- ўйин вазиятида ўйинчиларнинг техник-тактик захирасини бойитиш ва кенгайтиришга йўналтирилган тезкор кўрсатиш услубини амалга ошириш.

Футболда техник усуллар мақсадли аниқлигини такомиллаштириш методикаси футболчилар билан ишлашнинг қуйидаги тартибини кўзда тутган:

1. “Cardi” компьютер дастури ёрдамида интервалокардиография услуги ёрдамида футболчилар организмнинг турли тизимлари (юрак-қон томир, вегетатив) ҳолати баҳоланган. Функционал ҳолатнинг даражасига боғлиқ равишда футболчига техник усуллар мақсадли аниқлигини такомиллаштиришга қаратилган машқларни бажариш тавсия қилинадиган шиддат чегараси белгиланган.

2. Жисмоний юклама шиддатини назорат қилиш учун “Polar” юрак ритми мониторларидан фойдаланиш орқали компьютер дастури қўлланилган. Мазкур дастурга бажариладиган машғулот машқининг тавсия қилинадиган шиддат чегараси киритилган.

3. Техник усулларни бажариш техникасини назорат қилиш учун видеотасвирдан фойдаланилди. Бу камера ўқув-машғулотда футболчилар томонидан бажариладиган барча техник-тактик ҳаракатларни ёзиб олган.

Ўқув-машғулоти тугагандан кейин қуйидаги маълумотлар таҳлил қилинган:

- ўйин ҳаракатларини бажариш техникаси (тўпни узатиш ва дарвозага зарба бериш);

- техник усулни бажаришда машқнинг шиддати (юрак ритми монитори маълумотлари бўйича);

- ҳар бир футболчи учун ўйин ҳаракатини бажариш техникасини тўғирлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакат ёшлар чемпионатининг расмий ўйинларида НГ ва ТГ футболчиларининг ўйин усулларини бажариш аниқлиги таҳлил қилинган (3-жадвал). Бу ерда ҳам 20 та ўйин давомидаги педагогик кузатув ишларнинг ўртача натижалари келтирилган. Жадвалда “алдаб ўтиш”, “тўпни ёнга ва орқага узатиш” каби техник-тактик ҳаракатлар киритилмаган.

3-жадвал.

Педагогик тадқиқотнинг бошида назорат ўйинларида тажриба ва назорат гуруҳи футболчиларининг мақсадли аниқлик даражаси кўрсаткичлари ($\bar{X}=20$)

№	Ўйин усуллари	НГ		ТГ	
		ТТХ Σ	Аниқлик %	ТТХ Σ	Аниқлик %
1	Тўпни узатишлар	144,4		142,5	
	А) Юқори тезликда ҳаракатланиш билан	59,1	37,3	55,2	20,8
	Б) Юқори тезликда ҳаракатланаётган шеригига	57,1	27,8	56,9	25,6
	В) Тўпни юқори тезликда ҳаракатланиш баробарида худди шундай тезликда ҳаракатланаётган шеригига узатиш	28,2	9,9	30,4	10,1
2	Тўпни олиб қўйиш	115,7	34,9	121,1	38,9
3	Тўпни эгаллаб олиш	50,8	35,3	52,2	32,4
4	Ҳавода яққакурашлар	36,9	33,7	38,8	39,7
5	Дарвоза томонга зарбалар	20,9		24,2	
	А) Жарима майдонининг ичидан	9	22	7,1	25
	Б) Жарима майдони чегараларининг ташқарисидан	11,9	36,7	17,1	33,4
ТТХ ларнинг умумий сони		754,2	56,4	760,4	52,8

Изоҳ: ТТХ Σ – техник-тактик ҳаракатларнинг умумий сони.

Иккала гуруҳ футболчилари ўйин усулларини бажариш аниқлиги бўйича бир-биридан катта фарқ аниқланмади.

Педагогик тажриба назорат гуруҳи (НГ) ва тажриба гуруҳ (ТГ) ларида ўтказилган. НГ ва ТГ футболчиларида техник усулларнинг мақсадли аниқлиги тест машқлари ёрдамида ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган (4-жадвал). Тест синовларига кўра, ҳар икки гуруҳ футболчиларининг натижаларида фарқ аниқланмади.

НГ футболчилари техник усуллар аниқлигини умумий қабул қилинган дастур бўйича такомиллаштирган.

ТГ футболчиларида техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш учун воситалар шундай танланган. Бунда ўқув-машғулотида машқларни бажариш шарт-шароитлари мусобақа ўйинларида тўп билан ҳаракатларни бажариш шарт-шароитларига (ҳаракатларни бажариш тезкорлиги, ўйинчилар уларни бажариш учун сарфлайдиган куч,

футболчилар ҳаракатининг ташқи кўриниши, шиддат, рақиб томонидан кўрсатиладиган қаршилик бўйича) яқин бўлишини кўзда тутади.

Шунга кўра, футболчиларни техник тайёрлаш жараёнини ташкил этишда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштириш босқичида ихтисослаштирилган машқлар дастурининг учта туридан фойдаланилган.

Биринчи дастур 120-140 зарба/дақ. шиддат чегарасида бажариладиган индивидуал ва гуруҳли топшириқларда техник усулларнинг (тўпни олиб юриш, узатиш, дарвозага зарба бериш) аниқлигини такомиллаштириш ўз ичига олган.

Иккинчи дастур 141-160 зарба/дақ. шиддат чегараларида гуруҳий ва жамоавий ўзаро усулларда техник усуллар аниқлигини такомиллаштириш ўз ичига олган.

Учинчи дастур 161 зарба/дақ.дан юқори шиддат чегарасида индивидуал ҳаракатлар, гуруҳий ва жамоавий ўзаро ҳаракатларда техник усуллар аниқлигини такомиллаштириш ўз ичига олган.

Битта ўқув-машғулотда техник усулларнинг мақсадли аниқлигини такомиллаштиришга 65-70% вақт ажратилган. Машқлар шиддат чегаралари бўйича фоиз нисбатида қуйидагича тақсимланган:

-10-15% 120-140 зарба/дақ. юрак қисқаришлари сони чегарасида;

-30-40% 141-160 зарба/дақ. юрак қисқаришлари сони чегарасида;

-45-60% 161 зарба/дақ.дан юқори юрак қисқаришлари сони чегарасида.

Паст шиддат чегарасидаги (120-140 зарба/дақ.) машқларнинг фоиз нисбатида катта бўлмаган солиштирма оғирлиги футболчиларга ўқув-машғулотларидан ташқари вақтда техник усулларни мустақил ишлаб чиқиш учун махсус топшириқлар берилгани билан ҳам шартланади.

Ҳафталик микро-циклда 161 зарба/дақ.дан юқори юрак қисқаришлари сониди индивидуал ва гуруҳий топшириқларда техник усуллар мақсадли аниқлигини такомиллаштириш дастури энг катта солиштирма оғирликка эга бўлган (45%-60%).

Маълумки, футболчилар 50%-65% ўйин вақтини (амплуага боғлиқ равишда) 161 зарба/дақ. юрак қисқаришлари сониди ўтказадилар.

Мақсадли аниқликни такомиллаштиришда узатишларнинг улар бажариладиган мақсадлар ва техник бажарилиш бўйича бир-биридан фарқ қиладиган учта тури танланган:

- “конструкциялайдиган” ёки тайёргарлик узатмалари (орқага ёки ёнга, улар тўпни ушлаб туриш ёки ҳужумнинг энг яхши йўналишини қидириш мақсадида бажарилади);

- “босиб ўтадиган” узатмалар (улар ёрдамида тўп зарба бериш позициясига етказиб берилади);

-“ўткир узатмалар”, шерикларни яқунловчи зарбага олиб чиқади.

Ўқув-машғулотда ҳар хил узатиш турларига фоиз нисбатида қуйидагича вақт ажратилган:

- тайёргарлик узатмаларига – 10-15%;

Тажриба ва назорат гуруҳларида педагогик тадқиқотнинг бошида ва охирида мақсадли аниқлик даражасининг кўрсаткичлари (n=40)

№	Назорат машқлари	ТГ		НГ		p	
		$\bar{x} \pm \sigma$	V%	$\bar{x} \pm \sigma$	V%		
1.	Дарвозага аниқ зарба бериш, дарвоза тенг иккига бўлинган, ҳар бир оёқ билан 5 мартадан.	ТБ	4,33±1,05	24,1	4,28±1,11	22,3	p>0,05
		ТО	4,55±0,29	30	4,02±0,10	20	p≥0,05
2.	Тўпсиз 40 м.га югуриш ва тўпни 0,25 м. ўлчамли 5 та дарвоза орқали 20 м.га олиб юриш	ТБ	15,20±1,22	8	15,23±1,27	7	p>0,05
		ТО	13,15±0,15	10	15,13±0,43	30	p<0,05
3.	Тўпсиз 50 м.га югуриш ва тўпни 0,25 м. ўлчамли 5 та дарвоза орқали 20 м.га олиб юриш	ТБ	16,51±0,89	6	16,47±0,78	8	p>0,05
		ТО	14,10±0,32	20	16,35±0,18	10	p<0,05
4.	Тўпсиз 60 м.га югуриш ва тўпни 0,25 м. ўлчамли 5 та дарвоза орқали 20 м.га олиб юриш	ТБ	18,53±1,01	6	18,59±0,91	7	p>0,05
		ТО	16,30±0,11	10	18,07±0,10	10	p<0,05
5.	Тўпсиз 70 м.га югуриш ва тўпни 0,25 м. ўлчамли 5 та дарвоза орқали 20 м.га олиб юриш	ТБ	19,46±1,44	7	19,17±1,41	8	p>0,05
		ТО	18,57±0,13	10	19,50±0,07	10	p≥0,05
6.	“Слалом”, тўпни 0,5 кенгликдаги дарвозадан ўтиш билан 20 м.га олиб юриш	ТБ	9,56±0,94	10	9,48±1,12	12	p>0,05
		ТО	8,45±0,10	10	9,43±0,19	20	p<0,05
7.	“Слалом”, тўпни 0,25 кенгликдаги дарвозадан ўтиш билан 20 м.га олиб юриш	ТБ	10,52±0,88	9	10,56±0,82	10	p>0,05
		ТО	9,05±0,32	30	10,15±0,24	20	p<0,05
8.	Тўпни узок масофага ва аниқ зарба бериш	ТБ	4,5±1,82	25	4,6±1,9	26	p>0,05
		ТО	5,38±0,14	30	4,4±0,16	30	p<0,05

Изоҳ: ТБ-тадқиқот бошида; ТО-тадқиқот охирида.

- “босиб ўтадиган” узатмаларга –55-60%;
- “ўткир” узатмаларга – 30-40%.

Барча узатишлар ҳажмидан фоиз нисбатида тақсимланиш қуйидагича бўлган:

- жойида турган ҳолда, ҳалақит берувчиларсиз бўш шерикка – 5%;
- юқори тезликда ҳаракатланиш билан – 10-15%;
- юқори тезлик билан ҳаракатланаётган шерикка – 20-25%;
- юқори тезликда ҳаракатланиш баробарида худди шундай тезликда ҳаракатланаётган шерикка – 35-40%;
- юқори тезликда ҳаракатланиш билан рақиб томонидан қўриқланаётган шерикка – 15-30%.

Ҳафталик циклда тўп узатишни такомиллаштиришга сарфланган вақт ҳажми қуйидагича бўлган:

